12099

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 3 сентябрь • Шанба • № 69 (14230) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

# Мустақиллигимиз боқий бўлсин!





## Мамлакатимизда Истиқлол байрами зўр шоду хуррамлик билан нишонланди



Мустақиллик майдони... Бугун — Истиқлол байрами кунида Бош майдон янада маҳобат ва шукуҳ касб этган. Майдон марказида ўрнатилган олтинсимон муаззам куррадаги Ўзбекистон харитаси ва ундан қуйироқдаги ҳумоқуш суратли давлатимиз Герби хилма-хил чироқлар нурида жозибали товланади. Ҳар ёқда байроқлар ва алвонлар ҳилпираб, дилларга шодиёна руҳ бағишлайди.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кириб келади.

Майдондан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган меҳмонлар, шунингдек, Тошкентдаги хорижий мамлакатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари жой олган.

Соат 19.30. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов байрам қатнашчиларига ва улар сиймосида бутун ўзбек халқига қарата табрик нутқи сўзлайди:

**— Азиз ватандошлар !**

**Муҳтарам юртдошлар !**

**Сизларни буюк сана — Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.**

**Ана шу қутлуғ айёмда ватаним деб, элим деб, бугунги озод Ўзбекистон учун ҳаётини — жонини фидо қилганларни ёд этиш, улуғ аждодларимизнинг руҳларини шод қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиз деб биламан.**

**Ушбу муборак кунда улуғ тарих ва маънавият эгаси бўлмиш, мустақиллик учун кураш йўлида не-не аёвсиз бўронларни бошидан кечирган, бугунги машаққатли синовларга мардона бардош бераётган сабр-тоқатли, матонатли ва доно халқимизга таъзим қиламан. Биз учун мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топдиришдир.**

**Биз учун мустақиллик — Оллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир.**

**Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъий назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.**

**Биз учун истиқлол — давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир.**

**Шу мақсадларга эришиш учун юртимизнинг барча аҳолиси Ўзбекистонни ягона ва азиз юртимиз деб билиши, ўз тақдирини ватан тақдири билан узвий боғлаб курашмоғи, меҳнат қилмоғи даркор.**

**Азиз дўстлар !**

**Она юртимиз учун, унинг порлоқ келажаги учун барча эзгу ниятларимизни бахшида этайлик!**

**Азиз ватанимизни асраб-авайлайлик, улуғлайлик!**

**Ватанимиз олдида ўз инсоний ва фуқаролик бурчимизни сидқидилдан бажо келтирайлик!**

**Илоҳим, халқимизнинг тинчлиги ва тотувлигига кўз тегмасин, хонадонимиздан файз, кут-барака аримасин!**

**Мустақиллигимиз боқий бўлсин!**

**Шу муқаддас мақсадлар йўлида бизга парвардигорнинг ўзи мададкор бўлсин!**

Майдон узра Ўзбекистон мадҳияси

(Давоми 2-бетда)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА*

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сизни ва барча ўзбекистонликларни Америка халқи номидан табриклайман. Янги мамлакатингизнинг эркин, гуллаб-яшнаётган, демократик жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини Қўшма Штатлар қатъий қўллаб-қувватлайди. Бу мақсад буюк тарихингизга муносибдир. Иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлидан олға бориб, ҳам бизнес, ҳам ғоялар соҳасида эркин бозорни вужудга келтириш борасида ишлаб, ўзингиз ва фарзандларингиз учун порлоқ келажакни таъминлашга ёрдам бермоқдасиз.

Самимий ҳурмат билан,

**Уильям Ж. КЛИНТОН,**
**АҚШ Президенти.**

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбек халқи тарихидаги шонли сана — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Давлатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, чуқурлашиб боришига аминман.

Қардош ўзбек халқи учун шу қутлуғ байрам кунида энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва муваффақият, Ўзбекистон халқига осойишталик ва равнақ тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

**Н. Назарбоев,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти.**

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА*

Мамлакатингиз мустақиллиги куни байрам қилиниши муносабати билан самимий тилакларимизни йўллаймиз. Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига эса осойишталик ва равнақ тилаймиз.

**Қобус ибн Саид,**
**Уммон султони.**

*Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим*

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сиз, жаноби олийларига, мамлакатингиз ҳукумати ва қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида янада ривожланади, деб умид қиламан.

Худованди Каримдан Сиз, жаноби олийларига муваффақиятлар ва саломатлик, Ўзбекистон халқига саодат ва равнақ тилайман.

**Акбар Хошимий Рафсанжоний,**
**Эрон Ислом Жумҳуриятининг Президенти.**

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА*

Мамлакатингиз мустақиллиги куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ҳамда ҳукумати номидан ва ўз номимдан Сиз жаноби олийларига энг қизғин табрикларимни йўллайман.

Сиз зоти олийларига муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига эса равнақ тилайман.

**Чуқур эҳтиром билан**
**Зайд ибн Султон ал Нахайён,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Истиқлолимиз шарофати туфайли жаҳонга юз тутган Ўзбекистонимиз ўзининг энг муқаддас байрами — Мустақиллигимизнинг уч йиллигини нишонлаётган шу файзли кунларда биз — жамоа ташкилотлари вакиллари қалбларимиз тўрида жўш урган, меҳр-муҳаббатга тўла сўзларимизни Сизга изҳор этишдан ғоят мамнунмиз.

Ўзбек халқи мана уч йилдирки, ўзи танлаган йўлдан Сизнинг раҳбарлигингизда қатъийлик ва комил ишонч билан қадам ташлаб, демократик ҳуқуқий давлат, самарали бозор иқтисодиёти, ижтимоий адолатли жамият бунёд этмоқда. Она диёримиздаги тинчлик ва барқарорлик туфайли Ўзбекистоннинг бутун дунё миқёсидаги обрў-эътибори ортиб боряпти.

Халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш мақсадида ватанимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари асрий орзу-умидларимиз рўёбга чиқаётганининг ёрқин далилидир. Айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар таҳсинга сазовор. Куни кеча матбуотда эълон қилинган "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги Фармонингиз ҳам умумхалқ шодиёнаси арафасида халқимизга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Сизни, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустақил Ўзбекистоннинг шонли уч йиллик байрами билан чин юракдан табриклаймиз ва она диёримиз равнақи йўлида амалга ошираётган барча ишларингизда ҳамиша камарбастамиз.

**Бектош Раҳимов** — Ўзбекистон Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси

**Нуриддин Муҳиддинов** — Ўзбекистон "Ёдгорлик" жамияти раиси

**Шукур Темуров** — Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" жамғармаси раиси

**Дилбар Ғуломова** — Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси.

**Ойдин Ҳожиева** — Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси раиси

**Инқилоб Юсупова** — Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси

**Содиқ Убайдуллаев** — Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамияти раиси

**Шавкиддин Жўраев** — "Ватан тараққиёти" партияси марказий кенгашининг бош котиби

**Алишер Тешабоев** — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий қўмитаси биринчи котиби

**Жамол Камол** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби

**Лутфулла Кабиров** — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси

**Дадахон Ёқубов** — Ўзбекистон Республикаси "Наврўз" хайрия жамғармаси раиси

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АҲОЛИСИГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол молларининг асосий турлари ва хизматларнинг эркин (шартномавий) нархларга ўтиши тугалланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг ўсиб бораётган харажатларини қоплаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 октябридан 100 сўм миқдорда ҳар ойлик компенсация тўловлари жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ана шу компенсациялар ишлаб турган барча аҳолига, пенсионерларга, олий ўқув юртларининг талабаларига, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқувчиларига, аспирантларга, докторантларга, боласи икки ёшга етгунча уни парваришлаш билан банд оналарга, иш билан таъминлашга кўмаклашиш муассасаларида рўйхатдан ўтиб, вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолига, яъни республикадаги деярли ҳар бир катта ёшдаги одамга тўланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, компенсациялар ойига бир марта иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, бола икки ёшга етгунча уни парваришлаш ва ишсизлик бўйича нафақалар тўланадиган муддатларда 1994 йилнинг сентябридан бошлаб тўланади.

4. Ушбу компенсацияларга даромад солиғи солинмаслиги кўзда тутилсин.

5. Компенсация тўловлари билан боғлиқ харажатлар республика бюджети, ижтимоий суғурта жамғармаси, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга молиявий мадад бериш учун компенсациялар тегишли миқдори (100 сўм) нинг 50 фоизи республика бюджети ҳисобидан қопланади. Шу мақсадда даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар чоғида ана шу миқдор истисно қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

уч кун муддат ичида компенсациялар тўлашнинг муваққат тартибини ишлаб чиқсин ҳамда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига етказсин;

1995 йилги давлат бюджети лойиҳасини тузиш чоғида ана шу компенсация тўловлари миқдорларини аниқлашга оид таклифларни ҳукуматга тақдим этсин.

8. Мазкур Фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. Каримов.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 31 август.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раёсати қарор қилади:

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 2 сентябрь.

***

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши кўзда тутилмоқда:

1. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҳисобот давридаги иши тўғрисида

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида

3. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси лойиҳаси тўғрисида

4. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида

5. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳаси тўғрисида

6. "Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида

7. Ўзбекистон Республикасининг ер ости бойликлари тўғрисидаги кодекси лойиҳаси ҳақида

8. "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида

9. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш тўғрисида

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисида

***

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасиға Олий Кенгаш ваколатига берилган бошқа масалалар ҳам киритилиши кутилмоқда.




(Боши 1-бетда)

янграйди. Самода давлатимиз байроғи ҳилпирайди. Мушаклар отилади. Байрам аҳли оёққа қалқади. Миллий мадҳиямизнинг оташин навоси осмонни ёритаётган ранг-баранг учқунлар мисол қалбларни чўғлантиради, дилни ифтихорга тўлдиради. Бу янглиғ ҳаяжонли сонияларда тантанада иштирок этаётган ҳар бир одам буюк давлат — Ўзбекистон фуқароси эканидан чексиз фахр ҳиссини туяди.

Байрам тантаналари бошланади.

Ҳа, мўътабар диёримиз, буюк халқимиз муқаддас истиқлолнинг уч йиллик шонли тўйини нишонламоқда. Уч йил, балким, теран мозий олдида лаҳзадай гапдир. Аммо, Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун бу ҳисоб кичкина эмас. Зотан, ана шу уч йил бизни катта синовлардан ўтказди. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқонларга ер бериш каби соҳаларда ғоят улкан тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Юртимиз жаҳонга юз тутди. Ўз овозимизга эга бўлдик, ўрнимизни топдик. Жаҳон билан борди-келдимиз мустаҳкамланмоқда. Шу давр мобайнида давлатчилигимизнинг муқаддас рамзлари — Байроқ, Герб, Мадҳия, Конституциямиз қабул қилинди. Яқиндагина эса мустақиллигимизнинг яна бир тимсоли — миллий валюта — сўмимиз муомалага киритилди.

Мустақиллик — ҳурлик, эркинлик, ўзига беклик, демак. Ўзига бек бўлмоқ халқимизнинг эзгу орзуси эди. Яратганга шукрки, ана шу улуғ орзуга эришдик. Шу маънода, 1991 йилнинг 1 сентябри — Президентимиз Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилган кун ўзбек халқи тақдирида туб бурилиш нуқтаси бўлди. Чунки бу улуғ кун бизнинг рўшноликка чиқишимизга, кўксимизга озодлик шамоли тегишига, ўзлигимизни англашга, диёримиз, халқимиз, унинг тарихи, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида ўйлашимизга, сўйлашимизга шароит яратди. Шу боис, Мустақиллик куни — катта халқнинг, катта мамлакатнинг катта тўйидир.

Тўй — тўёнаси билан гўзал, дейди халқимиз. Бутун ўлка — шаҳар ва вилоятлар, қишлоқлар, маҳаллалар истиқлолнинг уч йиллик айёмини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрди. Республика бўйлаб катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Байрам арафасида жойларда янги мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар, турар-жой бинолари, саноат корхоналари, хорижий технологияга асосланган телефон алоқа тармоқлари қуриб битказилди. Минглаб километр газ ва тоза сув қувурлари тортилди. Қишлоқларимизда шинам ва обод чойхоналар, дўконлар, савдо расталари қад кўтарган бўлса, шаҳарларда янги мавзелар барпо этилди, ҳашаматли шоҳбекатлар тикланди. Йўлларда хорижнинг қулай ва бежирим автоуловлари қатнай бошлади.

Мамлакатимиз пойтахтида қисқа фурсатда жаҳон андазаларига мос теннис кортининг қуриб битказилиши ва бу янги иншоотда бўлиб ўтган "Ўзбекистон Президенти кубоги" халқаро теннис мусобақаси Ўзбекистон кенг миқёсидаги халқаро спорт ўйинларини ўтказишнинг уддасидан чиқа олишини яна бир карра исботлади. Байрам арафасида жойларда янги ва маҳобатли спорт иншоотлари қурилишига ҳам катта аҳамият берилди.

Қадимдан мамлакат, вилоят, шаҳарларга унинг бозорига қараб баҳо бериш одат бўлган. Чунки бозорга қараб мамлакат қудрати, аҳоли турмуш тарзи, давлат сиёсати тўғрисида аниқ хулоса чиқариш мумкин. Иқтисодий ислоҳот ибтидосиданоқ бозор, ундаги аҳвол юртбошимизнинг эътиборида турди. Натижада юрт бозорларига, аждодлар замонида бўлганидек, фаровонлик, тартиб, озодалик, ҳалоллик, адолат мезонлари қайтмоқда. Байрам олдидан мамлакатимизда кўплаб усти ёпиқ ва очиқ бозорлар қурилди, мавжудлари эса кенгайтирилди. Тошкент шаҳрининг гавжум гўшаларидан бири — Олой бозори миллий усулда қайта тикланди.

Улуғ айём олдидан пойтахт кўчалари, хиёбонлар, маҳалла ва мавзеларни саришта қилиш, уларга байрамона кўрк беришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўттизга яқин иншоот қурилди ва таъмирланди. Эндиликда Амир Темур хиёбонида ўрнатилган фавворалар бобомиз руҳини тавоб этгани келган сайлчиларнинг кўнглини хушнуд этиши шубҳасиз. Айни вақтда, буюк аллома Мирзо Улуғбек майдони ҳам ғоят қисқа вақт ичида гўзал ва обод масканга айланди.

Байрам арафасида Президентимизнинг фармонига биноан бир гуруҳ ватандошларимиз мустақил мамлакатимизнинг яқинда таъсис этилган илк орден ва медаллари билан тақдирланиши тўғрисида хушхабар тарқалди.

... Майдон узра тикланган гумбазли миноралардан, шу



минорлар пештоқидаги "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" дея битилган башоратли каломлардан ҳам ёғду таралади. Борлиқни камалак жилолари қоплайди. Куй, қўшиқ, ранг, ҳис-ҳаяжон, фахр-ғурур, қувонч — ҳаммаси уйғунлашиб кетади.

Майдон марказидаги улкан саҳнага ширин-шакар кичкинтойлар чиқиб келади. Улар ижро этган қўшиқ-рақс гулдастаси юртимиз келажагини кўз ўнгимизда намоён этгандек бўлади.

Маълумки, 1994 йил ЮНЕСКО томонидан оила йили, деб эълон қилинган. Азалдан болажон ўзбек хонадонида ўсаётган фарзандлар рўшнолик, меҳр, иззат кўриб вояга етмоқда. Соғлом авлодни тарбиялаш, шунингдек, ҳозирги ўтиш даврида айниқса фарзандларимизни ҳар томонлама иқтисодий муҳофазалаш йўлида республикамиз ҳукумати кўплаб олижаноб тадбирларни амалга оширяпти. Шу ўринда, Президентимизнинг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги байрам арафасида чиққан Фармонини эсга олиш кифоядир.

Кузак, одатда, деҳқонларга йиғим-терим палласи бўлгани каби уч йилдан буён мустақиллик байрами юртимиз санъаткорлари учун ўзига хос сарҳисоб мавсумига айланиб қолди. Ўтган йилги тантаналарда пойтахт ва вилоятлардаги энг машҳур санъаткорлар, ҳофизлар, бадиий жамоалар маҳоратини намойиш этган бўлса, уч йиллик байрам шодиёналарида янги санъат ғунчаларини саҳнага олиб чиқишга асосий эътибор қаратилди. Оқшом томошаларида етти мингта яқин санъат соҳиби ва ҳаваскорлар иштирок этди.

"Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир". Улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг китобхонларимиз суйиб ўқийдиган асаридан олинган ушбу нақл билан яқин кечмишимизни ҳикоя қилгувчи тарихий саҳна бошланади. Халқимизнинг катта ҳашар — Фарғона канали қурилиши, иккинчи жаҳон уруши давридаги машаққатли, аммо фидокорона меҳнати театр артистлари ижросида гавдалантирилади.

Республикамиз раҳбариятининг юртимизда барқарорлик, турли миллат вакиллари ўртасида тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти энг оқил ва тўғри сиёсат эканини бутун жаҳон тан олмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда бир қанча миллат вакиллари истиқомат қилади. Истиқлол шарофати туфайли ўзбек халқи билан тенгма-тенг, ёнма-ён ҳурликка эришган мазкур халқларнинг кўплаб миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Кечада диёримизда яшаётган турли-туман халқларнинг куй ва қўшиқлари янгради, рақслари намойиш этилди.

Махсус трибунадаги ўсмирлар силкитаётган ранго-ранг яловлар ҳавога "Мустақиллик. Тинчлик. Ҳамкорлик" сўзларини нақш этади. Бу — Ўзбекистон танлаган ўзига хос тараққиёт йўлининг уч сеҳрли сўздаги мужассамидир. Ўзбекистонни дунёнинг 160 дан зиёд давлати тан олди ва уларнинг 80 дан ортиғи билан дипломатик алоқа ўрнатилди. Бугун республикамиз билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатлар орасида АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон каби йирик давлатлар бор. Республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Шу йилнинг ўзидаёқ Франция ва Корея Республикалари Президентлари Франсуа Миттеран ва Ким Ен Сам, Хитой Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн ва бошқа олий мартабали меҳмонлар юртимизга ташриф буюриб, халқимиз ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишдилар. Ўз навбатида республикамиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Англия, Франция, Япония, Ҳиндистон, Россия ва Туркияга расмий ташриф буюриб, ўнлаб шартнома ва битимлар тузиб қайтди. Қисқа қилиб айтганда, ҳур Ўзбекистон уч йиллик мустақиллик даврида ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан дунёда эътибор қозонди.



...Пойтахтнинг бош майдони улкан чироқлар зиёсидан нурафшон.

**ЎЗБЕК ДИЁРИДАН УЧАР САДОЛАР, УЛАРНИ ЖАҲОНГА ЁЯР САБОЛАР, —**



Катта саҳнага Қорақалпоғистон ва вилоятлар санъат намояндалари кириб келади. Бу йилги байрам шодиёналарига вилоятлар санъат аҳли ҳам пухта ҳозирлик кўрди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган артистлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари кўп миллатли ўлкамизда яшовчи барча халқларнинг урф-одатларини моҳирона талқин этадилар. Бу қадимий маданиятимиз сарчашмаларига нигоҳ ташлаш имконини беради. Куй қўшиққа уланади.

Юртимизнинг таниқли эстрада юлдузлари иштирокидаги томошалар байрам тантаналарига ўзгача таровот бағишлайди. Саҳнага нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатлари ҳудудида, ҳатто жаҳонга донғи ёйилган машҳур ўзбек эстрада ижрочилари чиқадилар. Байрам аҳли Фаррух Зокиров ва "Ялла" гуруҳи, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззоқова ва бошқаларнинг маҳоратини, санъатини олқишлайди.

Борлиққа тун чўкмоқда. Самода оловли "мажнунтоллар" пайдо бўлади. Мушаклар отилиб, ана шундай гўзал манзаралар кўзни олади. Бу мислсиз томоша ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

"Ҳар бир одам байрамда иштирок этар экан, унинг юраги шундай буюк юртнинг фарзандиман, дея жизилламоғи, ёнмоғи даркор. Мен Ўзбекистон деган мамлакатнинг ватанпарвариман, шу азиз ва мўътабар ватан учун жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман, деган туйғу унинг бутун вужудини қамраб олиши керак. Токи бизга унча хайрихоҳ бўлмаганлар ҳам байрамни кўриб, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканини ҳис этсин", — деган эди мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, мустақиллик куни байрамини бу қадар катта тантаналар билан нишонлашнинг рамзий маъноси бор. Зотан, буюк байрамнинг тантанаси ҳам буюк бўлади. Бош майдонда юксак савияда ўтган истиқлол байрами унда бевосита иштирок этган ва айни пайтда, республикамиз ойнаи жаҳони орқали бу томошалардан бир олам завқу шавқ олган миллионлаб кишилар қалбида Ватанга, мустақилликка нисбатан ифтихор ҳиссини уйғотди. Бу шодиёна халқимизнинг ёдида умрбод сақланиб қолажак.

Байрам тантаналари республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида давом этади.

**(ЎзА ва В. Молгачёв суратлари).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

### ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан Озарбойжон халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман ҳамда шахсан сизга, бутун қардош ўзбек халқига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилайман.

**Ҳурмат билан,**
**Гейдар АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

### ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Қирғизистон Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрик йўллайман. Ўзбекистон мустақил тараққиёт, давлат истиқлолини мустаҳкамлаш ва ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини вужудга келтириш йўлидан дадил олға бормоқда. Миллий валюта — сўмнинг жорий этилиши шу йўналишдаги яна бир қадам бўлди. Ўзбекистон МДҲ доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш борасида фаол иш олиб бормоқда, айни шу сабабли сиз Ўрта Осиё давлатлари ягона иқтисодий маконини барпо этиш ташаббускори бўлдингиз. Халқаро майдонда ҳам Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ошиб бормоқда. Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин қалбимдан бахт-саодат ва муваффақият, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

**Ҳурмат билан,**
**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

### ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — қардош ўзбек халқининг дўстларига қувонч бағишлайдиган мустақиллик куни тожик халқи номидан, Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши ва шахсан ўз номимдан Сизни самимий табриклашга ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этишга имконият беради. Мамлакатларимиз ўртасида тез ва изчил ривожланиб бораётган, халқларимизнинг кўп асрлик бунёдкорона тинч-тотув яшаш анъаналарига мос келадиган дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларига Тожикистонда алоҳида аҳамият беришади.

Биз Тожикистонда тинчлик ва осойишталикни тиклаш ишида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шахсан Сизнинг тутган қатъий йўлингизни ҳамда биз учун қийин даврда ўзбек биродарларимизнинг мададини юқори баҳолаймиз.

Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

**Имомали РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АКА АБДУҒАНИ ЎҒИЛЛАРИ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА*

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Муҳтарам Президентимиз Ислом ака Абдуғани ўғиллари!

Сизни оламшумул тарихимизнинг янги сарчашмаси, буюк маънавий неъмат, доно халқимизнинг йиллар оша орзиқиб кутган ва фараҳманд орзу-умидларини рўёбга чиқараётган муборак сана — мустақиллик байрами билан чин дилдан қутлаймиз.

Халқимиз Сиз жанобнинг жонажон ватанимизни оламга танитиш, фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришию маънавиятини бойитиш йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларингизни муносиб қадрлайди. Истиқлол биз, мусулмонларнинг динимиз арконларини адо этишда кўп эркинликлар яратдиким, бугунги кунда бу ҳар биримизни мамнун этмоқда.

Биз мамлакатимизда олиб борилаётган одилона ички ва ташқи сиёсатни тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Жумҳуриятимиз аҳлининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари йўлидаги барча даъвату амалий меҳнатларига қўшилиб, бу борада ўз куч-ғайратимизни аямаймиз.

Сизга, муҳтарам Президент, аллоҳ таолодан сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб, дилингиздаги жамики эзгу ниятларингиз амалга ошсин, деб дуо қилиб қоламиз.

**Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси бошқаруви ҳайъати.**

# ҚАБУЛЛАР УЙИ ОЧИЛДИ

1 сентябрь куни шаҳримиз марказидаги қадимий ва кўркам бинода Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйи очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

Ўзбекистон раҳбари тадбирга тўпланган хорижий дипломатларни мамлакатимиз мустақиллиги байрами билан қутлади.

— Ўзига хос меъморий қиёфага эга бўлган бу бино бой тарихга эга, — деди юртбошимиз.— У 1890 йилда барпо этилган. Кўриб турганингиздек, бино таъмирлардан сўнг янгича чирой касб этди. Эндил кда у халқаро учрашувлар масканига айланади.

Шундан сўнг Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва галдаги вазифалар ҳақида гапирди. Энг асосий вазифалар мамлакатда ва минтақада тинчлик ҳамда осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жахон ҳамжамияти билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш эканлигини таъкидлади.

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна чет эл дипломатлари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

# *ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ* БЮРОСИДА

Куни кеча Тошкентда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг Бюро мажлиси бўлиб ўтди. Бюрода ташкилот фаолияти билан боғлиқ бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, Ёшлар Иттифоқи қошида фаолият кўрсатаётган "Камалак" нашриёт-матбаа бирлашмаси "Камалак" нашриётига айлантирилди.

Ёшлар Иттифоқи Сурхондарё ва Андижон вилоят қўмиталари фаолияти таҳлил этилди. Сурхондарё вилоятида ташкилот ишлари яхши йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди ва сурхандарёликларнинг иш тажрибаси бошқа вилоятлар томонидан ўрганилиб, ўзларида тадбиқ этишлари тавсия этилди.

Бюро Республика Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида "Намунали ётоқхона" кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Ушбу кўрик-танлов билим юртлар ётоқхоналари ўртасида ўтказилиб, ундан кўзланган мақсад ётоқхоналарда ўз-ўзини бошқаришни такомиллиштириш, талабаларнинг маданий-маиший дам олишини ва ижод қилишлари учун мавжуд шароитларни яхшилаш, талабалар орасида ахлоқий-тарбиявий ишларни кучайтириш, ётоқхоналар озодалигини сақлашни таъминлаш ишларини йўлга қўйишга қаратилгандир.

Йиғилишда шунингдек, ёшлар нашрлар обунасини ташкил этиш, ташкилий масалалар, ташкилот фаолиятига молик бошқа масалаларни кўриб чиқди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

# *ҚАЛБАКИ ПУЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимлари республиканинг пул бозорини қалбаки долларлар ва Россиянинг рубллари тўлдириб юборганини аниқладилар. Тошкент шаҳрида, Сурхондарё, Наманган, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида кўп миқдорда турли қийматдаги қалбаки АҚШ долларлари муомалага киритилган. Диққат билан қаралганда нусха кўчирувчи техника воситасида тайёрланган қалбаки пулларнинг заиф томонлари — айрим белгиларининг босилмай қолгани, бўёқлар сифатининг пастлиги, босма белгиларнинг ёйилиб кетгани сингари аломатлар кўзга ташланади. Қалбаки Америка долларларидаги расмлар одатда заиф, хира ишланган бўлиб, уларда айрим деталлар кўзга ташланмайди, шунингдек, белгилар ёйилиб кетган бўлади.

Айни пайтда Марказий банк мутахассислари қалбаки пул тайёрловчи техника анча мукаммаллашгани туфайли сохта пулни аниқлаш қийинлигини таъкидлашмоқда. Ҳозирги пайтда пулнинг ҳақиқий эканлигини аниқлаш учун маълум кўникма ва катта қилиб кўрсатувчи асбоблар (лупа, микроскоп) зарур бўлади.

Республика ҳудудида ишлаб турган пул алмашув пунктлари турли қийматдаги пулларнинг ҳақиқийлигини аниқлай оладиган керакли жиҳозларга эга. Бу пунктларнинг жойлашган ўрни ҳақида шу йил 13 август куни "Халқ сўзи" — "Народное слово" ва "Туркистон" республика газеталари саҳифасида маълумот берилган эди. Марказий банк республика фуқароларига эркин муомаладаги валютани сотиб олиш ва сотиш масалалари бўйича ана шу манзилларга мурожаат қилишни тавсия этади. Эркин муомаладаги валютани қўлдан сотиб олмоқчи бўлган фуқаролар товламачилик қурбони бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас.

*Энг янги тарих зарварақлари*

Эркин ШАЙХОВ
Ўзбекистон Халқ депутати

# ОРЗУ-УМИДЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

## Иккинчи мақола

Дарҳақиқат, Ўзбекистон қудратли қишлоқ хўжалигига эгадир. Республиканинг катта экспорт имкониятлари – бу пахта ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар ҳисобланади. Ўзбекистонда 1,5 миллион тонна пахта толаси етиштирилади, унинг асосий қисми хорижий мамлакатларга экспорт қилинади. Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқариш жиҳатидан бешинчи ўринда ва уни экспорт қилишда иккинчи ўринда туради.

Республикамизда 5 миллион тоннагача мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда, бу ички бозор эҳтиёжларидан анча ортиқдир. Бундан ташқари Ўзбекистон катта миқдорда пилла, жун, қоракўл тери етиштиради. Ўз-ўзидан равшанки, бу ишлаб чиқариш салоҳияти республикани янада самарали ривожлантириш учун ишончли иқтисодий асосдир. Ўзбекистонда қудратли саноат корхоналари, саноатнинг оғир саноат, машинасозлик, автомобилсозлик, енгил саноат сингари тармоқлари ҳам турли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдаки, булар ишлаб чиқараётган қора металлар, прокат, самолётлар, моторлар, пахта териш машиналари, экскаватор ва кўтарма кранлар, кабель, лифтлар, тўқимачилик саноати учун машина-ускуналари, йиғув машиналари ўзининг сифати билан ажралиб туради.

Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хом ашё ресурслари тўпланган.

Республика катта табиий энергия ресурслари – газ, нефть, кўмирга эга.

Собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида хўжалик алоқалари узилиб қолганлиги, ўзаро ҳисоб-китоблардаги муаммоларга қарамасдан, 1994 йилнинг биринчи ярмида аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан Ўзбекистонда нефть қазиб олиш – 62 фоиз, кўмир – 20 фоиз, электр энергияси – 1,5 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш – 4,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш – 12,4 фоиз ўсди.

Республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жадал давом эттирилаяпти. Ҳозирга қадар бир неча ўн мингдан ортиқ корхона хусусийлаштирилди. Бунда тадбиркорлик фаолиятини, кичик ва ўрта корхоналарни биринчи галда қишлоқ жойларда янада ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтга келиб республикамизда кичик корхоналар сони 22 мингтага, хусусий корхоналар сони эса икки баробар кўпайиб 11 мингтага, янги бозор тузилмаларида иш билан банд бўлган одамлар сони 400 минг кишига етди. Ишлаб чиқарилаётган миллий даромаднинг учдан бир қисми давлатга қарашли бўлмаган сектор улушига тўғри келмоқда. Бундай натижалар бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида қўйилган катта қадамдир, албатта.

Сиёсий барқарорлик ва Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий соҳада ўтказаётган одил сиёсат республикамизга хорижий сармоядорларни тобора кўпроқ жалб этмоқда. Президент И. А. Каримовнинг "Мерседес" концерни ва Жанубий Кореянинг "ДЭУ" корпорацияси билан ўрнатган бевосита алоқаси туфайли Ўзбекистонда автомобиль заводлари қурила бошланди. 1994 йилнинг февраль ойида дастлабки "Мерседес" юк автомашиналари чиқарила бошланди. Келгусида эса дунёга машҳур фирманинг енгил машиналари ҳам чиқарилади.

"ДЭУ" корпорацияси Андижондаги трактор прицеплари заводи негизида кичик енгил автомобиллар, фургонлар ва юк автомашиналари ишлаб чиқарадиган завод қурилишини бошлаб юборди.

Шундай қилиб, яна бир-икки йилдан кейин Ўзбекистон автомобиль саноати бор мамлакатга айланади, дейиш мумкин. Ахир, автомобиль саноати бўлмаган мамлакатни индустрлашган мамлакат деб бўладими?! Ҳозирги пайтда Ўзбекистон маркаси билан чиқаётган самолётлар дунё бозорида харидоргир бўлиб турибди. Яқин келажакда эса "Ўзбекистон" номи билан аталувчи оғир ва енгил автомобилларимиз ҳам жаҳон ярмаркаларида иштирок эта бошлашига шак-шубҳа йўқ.

Мингбулоқ нефть конини ўзлаштириш бошланди. Нефть олина бошлаши ва коннинг истиқболи ҳисоб-китоб қилиниши биланоқ, зарур бўлган ёрдамчи тармоқлар – темир йўл, темир қувур йўллари, терминал ва бошқаларни қуриш ҳам бошлаб юборилди. Фарғонадаги мавжуд шундай завод эса замонавий техника билан жиҳозланмоқда.

Туркия ва Покистон фирмалари ёрдамида йигирмага яқин мўъжаз тўқимачилик фабрикалари қурилмоқда. Ҳозирги пайтда уларнинг айримлари қуриб битказилган. Бу фабрикаларнинг маҳсулоти жаҳон андозаларидан қолишмаслигини комил ишонч билан айтиш мумкин.

Мустақиллик туфайли маънавиятимиз тор синфий қарашдан, хаёлий коммунистик ақидапарастликдан холи бўлди, миллий манфаатни илгари суриш учун кенг йўл очиб берди.

Маънавиятсиз ахлоқий покланиш ҳам, ҳур фикрлик ҳам, тараққиёт ҳам бўлиши мумкин эмас. Маънавият миллатнинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлган эмас. Маънавиятнинг миллат учун энг олий мақсади мустақил давлатда яшаш, эркин бўлишдир.

Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан сингади. Ўзбек миллати маданиятининг тарихий илдизи ҳам, унинг бой маънавияти ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Жаҳон маданиятига Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур, Улуғбек каби буюк сиймоларни етказиб берган миллатнинг буюклиги ўз-ўзидан аёндир. Маънавият ўз ичига умуминсоний қадриятларни, яъни тинчликсеварлик, инсонпарварлик ва эркпарварликни, халқнинг маънавий меросини, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш, ватанпарварлик каби буюк хислатларини қамраб олади ва иқтисодий, маданий, ижтимоий тараққиётга, инсон тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда маънавиятга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу соҳада кўп натижаларга эришилмоқда. Ўтган аждодларимиз яратган бебаҳо меросимизга, тарихимизга, халқимиз орасидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари, миллий-озодлик ҳаракатининг қаҳрамонлари ва йўлбошчиларига қизиқиш кучайибгина қолмай, балки уларни эъзозлаш, ўрганишга ҳам эътибор кучайди. Бой маданий меросимизга муносабат бутунлай ўзгарди. Ўтган аждодларимиз ақл-заковати билан яратилган, лекин мустамлакачилик даврида оёқости қилинган ана шу ўтмиш меросимиз халқимизга қайтарилмоқдаки, бу мустақилликнинг энг йирик ғалабаларидан биридир.

Ўзбек тилининг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тикланганлиги, Президентимиз фармони билан республикада "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг ташкил этилганлиги ижтимоий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Бу кенг маънодаги марказнинг вазифаси – ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакатнинг, миллатнинг, истиқлолнинг истиқболини белгилайдиган ғояларни юзага чиқариш, халқимиз онгига сингдириш ва турмушга татбиқ этишдан иборатдир.

Мустақиллигимизнинг учинчи йилида рўй берган тарихий воқеалардан яна бири – мамлакатимизда миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилгани бўлди. Миллий пулга эга бўлиш – мустақил давлатнинг ўзига хос белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Пулнинг қадр-қиммати унинг тайёр маҳсулот, олтин захираси билан қай даражада таъминлангани ва яна бир қанча мезонлар орқали белгиланади. Аммо унинг нуфузини кўтарадиган яна бир муҳим омил борки, бу – биз ўз пулимизни мустақиллигимиз белгиларидан бири сифатида асраб-авайлашимиз, унинг куч-қудрати, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозимлигидир. Миллий пулимизнинг барқарор ва бақувватлигини таъминлаш эса мамлакатимиз халқаро обрў-эътиборини ошириш демакдир.

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тутган ўрни катта. Мустақил республикамизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституцияда давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий принциплари белгилаб берилган.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўзини жаҳонга танитмоқда, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда. Бу жуда катта, жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган буюк воқеа ҳисобланади. Шўро империясининг парчаланиб кетиши туфайли бу ғалабага эришиш мумкин бўлди.

Ташқи сиёсат олиб бориш – ғоят нозик ва шарафли иш. Мустақил Ўзбекистон учун ташқи сиёсат олиб бориш бутунлай янги соҳа ҳисобланади. Чунки Чор Россияси Марказий Осиёни босиб олиб, бу ерда ўз мустамлакачилик тизимини ўрнатгач, минтақадаги давлатлар ташқи сиёсат олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди.

Агар чоризм даврида Бухоро амирлиги, Хева хонлиги хорижий мамлакатлар билан ташқи сиёсат олиб бориш, иқтисодий, савдо, сиёсий ва бошқа алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса, "қизил салтанат" даврида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат олиб боришдаги ҳуқуқи марказга боғланиб қўйилган эди. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон халқаро ҳаётдан, халқаро тараққиётдан ажратиб қўйилган эди. Бу даврда у халқаро майдонга тўғридан-тўғри чиқа олмасди. Оллоҳга минг бор шукрки, бугун Ўзбекистон хорижий давлатлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида мустақил алоқа боғлайдиган бўлди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси мустақил ташқи сиёсат олиб борадиган, ўз ташқи сиёсатини ҳеч кимнинг воситачилигисиз юритадиган бўлиб қолди. Республика яккаланиш исканжасидан халос бўлди. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топди. Бу – Ўзбекистон давлатининг мустақиллик туфайли қўлга киритган буюк ғалабаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини 150 га яқин давлат тан олди, 60 давлат республикамиз билан дипломатик муносабат ўрнатди. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 1992 йил 2 мартда қабул қилинди. 1975 йил августда Хельсинкида Европа, АҚШ, Канада давлатлари томонидан имзоланган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ҳужжатига имзо чекди, Хельсинки жараёнига қўшилди. Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Қора денгиз соҳилларида жойлашган мамлакатлар иқтисодий уюшмасининг аъзосидир. Республикамиз халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар фаолиятида қатнашмоқда.

Ўзбекистон қулай геостратегик мавқега ҳам эга. Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва шундай жуғрофий, сиёсий мавқени эгаллаб турибдики, азалдан Ғарб билан Шарқ айни шу ерда бир-бирига туташган. Ягона минтақада яшаб келаётган Марказий Осиё халқларининг маданий-тарихий илдизлари, турмуш тарзлари, иқтисодиётлари, маданиятлари, тиллари, урф-одатлари, расм-русумлари, тарихий тақдирлари, бугунги аҳволлари деярли бир хилдир. Бу минтақадаги ерли миллатлар ва элатларнинг ҳаммаси қадим-қадимдан Амударё, Сирдарёдан сув ичиб, ҳаёт кечириб келади...

*Янги асардан саҳифалар*

*ТУРҒУНБОЙ бобони кўпчилик танийди. Танимаганлар бўлса, у киши ёзган эртакларни эслатсангиз, ҳайрати ошиб: "Ҳа, шу эртакни ёзган киши шуми?"— дейиши тайин.*

*Дарҳақиқат, танглайимиз эртак билан кўтарилган. Афсонаю ҳикоятлар, ривояту асотирлар қон-қонимизга сингиб кетган. Биз хоҳлаймизми, йўқми қадимий сўзлар, қаҳрамонликлар дунёқарашимизу фикрлашимизда ўз аксини топади. Бу кун Турғунбой Ғойибийнинг эртаклари кириб бормаган бирон бир ўзбек хонадони бўлмаса керак. Эртаклар — эзгуликка етаклар. Шу жанрнинг ёзма адабиётимизга кириб келишида домланинг хизматлари беқиёс.*

*90 ёшни қаршилаган эртакчи бобомиз ҳозир ҳам қаламни қўлдан қўйганлари йўқ. Қизғин ижод билан машғул. Биз домлага узоқ умр тилаб, қуйида янги асарларидан парча эълон қилишни лозим топдик.*

# "МЕНИ ЎЛИМДАН САҚЛАГАН"

...Мусиқа техникумининг бир бурчагида Ўзбекистонда ягона балет мактаби жойлашган эди. Мукаррама Турғунбоева шу мактабга ўзининг "Баҳор" ансамбли учун қиз танлашга келганида мени кўрсатиб: "Кичик Ғойибий домла сизмисиз, қайлардан сўраймиз?" деди хурсанд бўлиб. Сўрашганимиздан сўнг мени меҳмонга таклиф қилди. "Собиқ мактабдошлар бир гурунглашайлик, бошқа танишларимиздан ҳам чақираман" деди. Мукаррамахон бу даврда донғи кетган раққоса, Халқ артисти, "Баҳор" ансамблининг бадиий раҳбари эди. Меҳмондорчиликка борганимда Фотима Йўлдошбоева, унинг синглиси Ойшахон, аввалги талабаларимдан Салимахон ва яна уч-тўрт жувон бор эди. Кенг гулзор ҳовли четидаги хонага кирдик. Хонадаги ойнаванд жавонларга Мукаррамахон турли мамлакатларга борганда ўша ёқдан олиб келган эсдалик-совға буюмлари терилганди.

— Фарғонанинг янги чек маҳалласида эски ҳовлида ота-онам ва мен уч киши яшардик, — деб сўз бошлади Мукаррамахон. Отам ковушдўз уста, очиқкўнгил, бизга меҳрибон эдилар, онам ҳам хушчеҳра, қўли гул аёл: дўппи тикар, уй ишларини саришта қилиб отамни овқат ва илиқ сўз билан кутиб олардилар. Ойим дутор чалишни маромига етказар, мен эса боплаб рақсга тушардим. Қўшни хотинлар менга суқланиб қараб, "Ҳуринисо, қизингиздан зўр ўйинчи чиқадиганга ўхшайди", дейишарди. Лекин... кўз тегди! Уруш, очлик йиллари вабо касали қулоч ёйган эди. Бир кечада ота-онам оламдан ўтдилар. Қабристонда уларнинг қабрларини қучоқлаб йиғлардим, икки қанотимдан, эркалатадиган, руҳимни кўтарувчи, боқувчи, мададкорларимдан айрилган эдим. Энди менинг кимга керагим бор? Ким эркалатади, ким бир бурда нон беради менга? Ҳувиллаб қолган бўш ҳовлимизга қайтишни сира истамасдим. Бир томонда қабристон, бир томонда ҳувиллаб қолган ҳовлимиз... Кейин тоғамнинг қўлида ўсдим. У ҳам косиб эди. Тўрт боласини зўрға боқарди. Бунинг устига хотини мени жеркиб ташларди. "Бу шумни нега эргаштириб келдинг? Буни боқайми, ўз болаларимними? — деб шовқин соларди. Тоғам маҳалла оқсоқолларининг илтимосини айтиб уни зўрға кўндирди. Кейин бола боқиш, қозон-товоқ ювишу

(Давоми 4-бетда).

# ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Тошкент шаҳар 1-шифохонасида очилган тиббиёт билим юртида доялар ҳамда тиббиёт ҳамширалари тайёрланади. Замонавий тиббиёт техника, компьютерлар, видеохоналар, лингофонлар билан жиҳозланган. Назарий ва амалий машғулотларни тажрибали ўқитувчилар олиб боришади. Н.Тожиддинов, М.Раҳматуллаева, Т.Каттахўжаева, С.Абулқосимова, Ш.Дадамуҳамедова, Ш.Акимова, О.Муҳамедова, Д.Эргашева, К.Ёқубова, Л.Хонхўжаева, Г.Ориповалар ёшларга нафақат билим, тўғри тарбия ҳам берадилар. Фикримизнинг далили сифатида "Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими"га эътиборингизни жалб этмоқчиман. Бу ерда кенгаш бўлиб талабалар ўртасидаги давомад, ўзлаштириш, хилма-хил тадбирлар ана шу кенгаш орқали амалга ошади. 5-гуруҳ талабаси Саида Расулова кенгаш раиси қилиб сайланган.

– Биз Москвадаги 1-тиббиёт коллежидан ўқитиш дастурларни олганмиз, – дейди ўқув ишлари бўйича директор муовини Нурилла ака Тожиддинов. – Бу коллеж узоқ тарихга эга бўлгани учун улар билан маслаҳатлашиб, тажриба алмашамиз. Кейинчалик бу ерда диагностика поликлиникаси очиб, ўқув даволаш комплексини ташкил этиш ниятидамиз.

2 та доялик ҳамда 3 та тиббий ҳамширалик гуруҳини ташкил этган билим юрти бу йил шартнома асосида пойтахтимиз туманларидан 30 нафар қизни қабул қилди.

Мана, ҳадемай ўқишлар ҳам бошланди. Тиббиёт билим юрти янги бинода ўқишни бошлаб юборди.

**Ю. МИРЗАКАРИМОВА**

*Истиқлол қалдирғочлари*

# БИЗНИНГ ҲАМ СОВҒАМИЗ БОР

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда катта-катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кўпчилик корхоналар илк маҳсулотларини халққа туҳфа қилаяпти. Баъзилари ишга туширилиш арафасида. Айрим завод ва фабрикаларнинг пойдеворлари қад ростлаяпти. Улар яқин кунларда халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши 1993 йил августда бошланиб 1996 йилнинг декабрь ойида режа бўйича тугалланиши керак. Завод қурилиб ишга туширилгач унинг қуввати 1 йилда бир неча млн. тонна нефтни қайта ишлашга етадиган бўлади. Завод қурилишида бош пудратчи Бухоро нефть заводи қурилиши трестидир. Бухоро шаҳридаги 163-қурилиш тресті завод қурилишида асосий ишларни бажараяпти. Катта ишга муҳандис Исмоил Азимов бошчилик қилмоқда. Қурилиш маҳсулотларини 163-трестга қарашли Бухоро темир-бетон ишлаб чиқариш заводи етказиб турибди. Ҳозирги кунда завод ҳудудини ўраш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Яна заводнинг умумий ошхонаси ҳамда ёнғин ва газдан ҳимоя қилиш станцияси ҳам қурилмоқда. Қурувчилардан Анатолий Верешкин, Нормурод Азимов, Алмат Нарсуллаевлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Биз ҳам республикамиз барча қурувчилари қатори мустақиллигимизнинг уч йиллигига муносиб совға билан келдик,— дейди қурувчилар сардори Рустам Мамедов,— бригадамиз аъзолари ойлик режаларини ортиғи билан уддалашди.

Энг асосийси Ўзбекистоннинг келажаги учун хизмат қиладиган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бунёд этилаётганлигига бир йилдан ошди.

Қувончлиси катта иш давом этаяпти. Тез орада у ўз ниҳоясига етади. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ўз маҳсулотини бера бошлайди.

**Моҳигул ЎКТАМ қизи**
**Бухоро вилояти.**




# ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

Халқимизда "Тўйга тўёна билан" деган мақол бор. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг ҳар бир маросимига аталган алоҳида анъаналари ва қадриятлари мавжуд. Собиқ шўро тузумида тазйиққа учраган жуда кўплаб маросим ва удумлар қайтадан тикланмоқда. Буни мамлакатимиздаги ҳар бир маҳалла, қишлоқларда, катта-кичик шаҳарларда кузатишингиз мумкин.

Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги шойи тўқиш ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида республикамиз мустақиллигининг 3 йиллигига бағишлаб ажойиб тадбир ўтказилди. Яъни, ёшлар ўртасида қадимий, миллий урф-одатларни тарғиб қилиш мақсадида бирлашмага қарашли 15 га яқин тармоқлараро беллашув ташкил этилди.

Ушбу кўрик танловда совчи юбориш, совчиларни кутиб олиш, қизни узатилганлиги ҳақидаги фотиҳа маросими, келин-куёвнинг никоҳ тўйи, сарпо йиғиш ва уларни турли хил безаш каби ёшлар ҳаётида муҳим ҳисобланган жиҳатлар имкон қадар ёритилди. Айниқса фарзанд туғилиши, уни бешикка белаш, чилла тутиш, алла айтиш ва бу қадриятларни мурғак болаларнинг онгига сингдириш борасида намунали саҳналар тайёрланди. Бундан ташқари паранжи ҳамда чачвоннинг фойдали тамонлари, кайвони онахонларнинг келин-куёвнинг уйини безаш, "Туш кўриш", "Ойна қараш" каби одатлар ҳам бутун сир-асрори билан намойиш қилинди.

Ўзбекистоннинг тупроғи зар, бу ерда яшовчи инсонларнинг эса қўллари гул. Агар эътибор берсангиз юртимиз шароитида минг-минглаб хил мева-чева, савзавотлар ҳамда миллий таомлар бор. Бўлиб ўтаётган маросимларда ана шу хилма-хил нози неъматларни жой-жойига қўйиб дастурхон безасангиз тўй-ҳашамларнинг файзу таровати ўн ҳисса ошади. Косонсойлик тўқимачилар бу борада ҳам талайгина ўрнак бўлса арзирлик ишларини меҳмонлар ҳукмига ҳавола этишди. Хуллас, "Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур" деганларидек Косонсойдаги ушбу тадбир ёшу-қарида жуда катта қизиқиш уйғотди.

**Тўлқин ИБРОҲИМ**
**Т. МАҲКАМОВ суратлари.**

*Уйғоқ сўз*

# МУҚАДДАС НЕЪМАТ

ЎТАЁТГАН КУНЛАР, ойлар ва йиллар чинакам тарихий воқеалар билан бойиб бораётир. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақиллик руҳи билан яратилаётган тарихи миллий уйғониш, маънавий юксалиш, ҳақиқий ватанпарварлик, қаҳрамонлик, имон ва эътиқод мезонлари билан битилаётир. Чунки мустақиллик ўзбек халқига ўзини, ўзлигини англаш ҳуқуқини берди, демократик ва ҳуқуқий давлат яратиш йўлларини очди. Шу боис миллатни юксак маданият ва маънавият билан жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари сафига чорлаётир.

Мустақиллик — байрамларнинг шоҳ байрами, тантаналарнинг энг юксак тантанаси ҳисобланади. Аслида мустақиллик ҳар қандай мақтовлардан, ҳамду санолардан устун туради. Лекин уни мақташдан, кўкларга кўтаришдан ва такрор-такрор куйлашдан бир лаҳза тинмаслигимиз керакки, то байрам руҳи қалбларимизга, онгимизга батамом сингиб кетсин. Хуллас, мустақиллик юртимизга, халқимизга берилган буюк неъмат, муқаддас инъом.

ЎЗБЕКИСТОН гўё илдизлари мустаҳкам, шоҳлари бақувват, умрбоқий мевали дарахтга ўхшайди. Шундай бўлгач, бу дарахтга тош отувчилар учрайди, ҳали пишмаган меваларини узмоқчи бўлганлар топилади, айрим шохларини эгилтиришга уринадилар. Турфа найранглар, ҳийлалар билан баҳайбат дарахтга озор етказмоқчи бўладилар. Масалан, шундай риёкор тоифа борки, "Ватан", "Мустақиллик", "Озодлик", "Миллатим" деб айюҳаннос солиб, кўкракка урадию аслида шу Ватанни алдаб, шу миллатнинг ризқ-рўзига чанг солиб, ғаламислик қилишдан уялмайди. (Ҳе, нафсингга ўт тушсин!) Аста-секин қад ростлаётган мустақил юртни ўғри мушукдек талон-тарож этишга ҳамиша тайёр. Тили бошқаю дили бошқа муттаҳамдан ҳеч қачон халқпарвар ҳам, ватанпарвар ҳам чиқмайди. Порахўрлик ва юлғичликка муккасидан кетган кимсаларнинг душмандан мутлақо фарқи йўқ.

Шулар ҳақида ўйлаганда, орамизда ҳали-ҳануз мустақилликнинг асл моҳиятини тушуниб етмаётган айрим кимсаларнинг борлиги кишини қаттиқ ранжитади. Ҳали-ҳануз собиқ шўролар тузуми давридаги қизил ва сохта байрамлар таъсирида юрганлар орамизда учрайди. Бундайлар четдаги ғанимлардан кўра хавфлироқ ва даҳшатлироқ. Ҳамиша ички душмандан худонинг ўзи асрасин. Ташқарисидаги аён! Уларнинг ярамас қилмишларини ҳамма кўриб-билиб турибди. Тўрт-бешта сиёсий ибораларни ёдлаш билан одам сиёсатчи бўлиб қолмайди. Тўтиқушга ўхшаб бир хил гапни қайтаравериш сафсатабозликдан бошқа нарса эмас. Чин ватанпарвар яхши-ёмон кунда ватаннинг ичида, ҳақиқий миллатпарвар миллатнинг ёнида бўлади. Бировнинг ҳовлисига ўтиб, ўз хонадонига тош отиш учун одамлар қанчалар разил ва пасткаш бўлиши мумкин. Ватанфурушлар орасида мустақилликни кўролмайдиганлари, ҳали қизил империяни қўмсаётганлари ҳам бор.

Афсуслар бўлсинким, ортга қайтишни орзу қилаётган хомхаёллар, истиқлолнинг асл мақсадини англаб етмаётганлар жиддий хато қиладилар. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: **"Ортга қайтиш йўқ энди. Олдинда битта йўл бор: истиқлол йўли, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Эски тузумга қайтиш, бўйинимизни яна ўша эски бўйинтуруққа тиқиб бериш, яна такрорлаб айтаман, минг йиллик тарихимизга, халқимизга, бугун бизга умид билан боқиб турган фарзандларимизга хиёнат, келажак авлодларимиз асло кечирмайдиган гуноҳ бўлади!"**

УШБУ мулоҳазаларни байрам ўзимизники бўлгани учун айтдим. Муборак кунларда дил дардига қулоқ тутиш асло шаккокликка кирмайди, аксинча, мустақил юртнинг ҳақиқий фарзанди, чин эгаси бўлиш учун йўлдаги ғовларни тезроқ олиб ташлашимиз керак.

Энг муҳими, буюк мустақиллик ҳамиша, ҳар қачон тилимизда, дилимизда, қонимиз ва жонимизда эканлигини ҳис этиб яшайлик.

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

